

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.26.04.2018.IsI.Tar/F/Fil.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

**АЛЛОҚУЛОВ АБДУЛАТИФ АБДУЛЛАЕВИЧ**

**АБУ ҲАФС НАСАФИЙНИНГ “АҚОИД” АСАРИ ВА УНИНГ  
ШАРҲЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

**24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата  
доктора философии (PhD) по историческим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the  
Doctor of Philosophy (PhD) on Historical Sciences**

**Аллоқулов Абдулатиф Абдуллаевич**  
Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид” асари ва унинг шарҳлари таҳлили. ....3

**Alloqulov Abdulatif Abdullayevich**  
The work “Aqaid” of Abu Khafs Nasafi and analysis of its commentaries.....25

**Аллоқулов Абдулатиф Абдуллаевич**  
Произведение «Акаид» Абу Хафса Насафи и анализ его комментариев.....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**  
Список опубликованных работ  
list of published works.....50

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.26.04.2018.IsI.Tar/F/Fil.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ**

**АЛЛОҚУЛОВ АБДУЛАТИФ АБДУЛЛАЕВИЧ**

**АБУ ҲАФС НАСАФИЙНИНГ “АҚОИД” АСАРИ ВА УНИНГ  
ШАРҲЛАРИ ТАҲЛИЛИ**

**24.00.01 – Ислом тарихи ва манбашунослиги**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Таг149 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертацияси Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.iiaw.uz.uz](http://www.iiaw.uz.uz)) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим портали ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Исламов Захид Махмудович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Нуритдинов Махмудхўжа Низомович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Шовосил Зиёдов Юнусович**  
тарих фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон миллий университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.26.04.2018.Isl.Taг/F/Fil.57.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11-уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: [info@iiaw.uz](mailto:info@iiaw.uz))

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11- уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: [info@iiaw.uz](mailto:info@iiaw.uz))

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси.)

**А.Ҳасанов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

**М.Мухаммадсиддиқов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, сиё.ф.доц.

**Қ.Содиқов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, фил.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги дунё илмий жамоатчилиги жаҳон илм-фан ва ислом цивилизацияси ривожига ўз хиссасини қўшган мовароуннахрлик олимларнинг улкан хизматларини эътироф этмоқда. Бу борада тафсир соҳасида Абу Ҳафс Насафийнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” (“التيسير في التفسير”), ҳадис илмида Имом Бухорийнинг “Саҳиҳи Бухорий” (“صحيح البخاري”), ақида ва калом илмида Имом Мотуридийнинг “Китобу-т-тавҳид” (“كتاب التوحيد”), Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид” (“عقائد”), фикҳда Бурҳониддин Марғинонийнинг “ал-Ҳидоя” (“الهداية”) асарларини ёзганлар. “Маълумки, қадимий маданият ва цивилизациялар чорраҳаси бўлган юртимиз заминидан ўрта асрларда минглаб олиму уламолар, буюк мутафаккир ва шоирлар, азиз-авлиёлар етишиб чиққан”<sup>1</sup>. Улар ўз асарларида динлар ўртасида тоқат, ҳурмат ва умуман ҳамкорлик руҳидаги алоқаларни шакллантириш, мустаҳкамлашни объектив зарурият деб билганлар. “Марказий Осиё Уйғониш даврининг кўплаб ёрқин намояндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган бебаҳо хиссасини алоҳида қайд этмоқчиман. Ана шундай буюк алломалардан бири Имом Бухорий ўз аҳамиятига кўра ислом динида Қуръони каримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган “Саҳиҳи Бухорий”нинг муаллифи сифатида бутун дунёда тан олинган”<sup>2</sup>. Бу асарларда илгари сурилган динлараро сабр-тоқат, ўзаро ҳурмат ва ҳамкорлик руҳидаги алоқаларни шакллантириш, мустаҳкамлаш объектив зарурият деб баҳоланди. Бундай чуқур илмий ва назарий мулоҳазаларга асосланган қоидалар ва мезонлар маърифий исломни тушуниш ва ўрганишнинг муҳим шартидир.

Дунёда диний-эътиқодий ихтилофлар мураккаблашиб, яқдил эътиқод сифатида шаклланган аҳли сунна ва-л-жамоа таълимотига ёт мутаассиб оқимларнинг фаолияти кучайиб бормоқда. Бундай ўзига хос мафкуравий кураш жараёнида соф ақида (عقيدة) ва калом (كلام) илмлари хулосаларига таяниш ҳамда глобаллашув шароитида бузғунчи ғоялар таъсирида мураккаблашиб, асл мазмун-моҳиятини йўқотаётган имон (إيمان), усулу-д-дин (أصول الدين), тавҳид (توحيد) тушунчаларини ватандошимиз Абу Ҳафс Насафий (461-537/1069-1142 й.)нинг “Ақоид” (“عقائد”) асари орқали ёритиб бериш ўзига хос аҳамиятга эга. Мусулмон оламида муҳим ўринга эга ҳанафий-мотуридийлик таълимотининг асосий манбаи бўлган ушбу асар соф ислом ақидаси асослари ва маърифий исломни ўрганишда муҳим қўлланма бўлиб қолмоқда.

Мустақиллик йилларида ислом динининг мазмун-моҳиятини тўғри талқин қилиш, унинг бунёдкор ва маърифий кучини маънавий ҳаётимизни

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи // Халқ сўзи, 2017 йил 20 сентябрь.

ривожлантиришга қаратиш, аждодларимизнинг ёзма илмий меросларини тадқиқ этиш долзарб масалалардан бирига айланди. Аждодларимиз қолдирган бой маънавий-маърифий мерос, аҳли сунна ва-л-жамоа эътиқодини муътазилӣ (معنزالیه), мушаббиха (مشبهة), мужассима (مجسمة) каби адашган фирқалар ғояларидан ҳимоялашга қаратилган. Хусусан, Абу Ҳафс Насафийнинг ислом таълимотига бағишланган “Ақоид” асари мамлакатимизнинг ислом цивилизацияси ривождаги ўрнини қайта баҳолашга сабаб бўлмоқда. Бу эса “Ақоид” асарида кўтарилган ғояларни чуқур тадқиқ этиш ва маънавий ҳаётимизга татбиқ қилишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва жорий йил 2 августдаги 572-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда 2018 йил 16 апрелдаги “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид” асарини ўрганиш шарҳда XIII–XIV асрлардан бошланган. Ҳозирги кунда Садрулваро, Муҳаммад Абдулазиз Фароҳарий, Муҳаммад Ёсир ибн Азизурроҳман, Фидо Муҳаммад, Мужибуллоҳ, Ёр Муҳаммадхон Қодирий, Муҳаммад Юсуф, Абдуррауф, Абдунносир Латиф, Убайдҳақ, Ғулом Ҳусайн Осим, Икрому-л-ҳақ каби тадқиқотчилар Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид” асарига урду тилида шарҳ ёзганлар<sup>3</sup> ва олим ҳақида манбаларда келтирилган библиографик қисқа маълумот билан чекланганлар. Абдулмалик Саъдий,

---

<sup>3</sup> Қаранг: Садру-л-варо. Жамъу-л-фароид би инорати шарҳи-л-ақоид. – Исломобод: Мактабату-л-мадина, 2009. – 364 б.; Муҳаммад Абдулазиз Фароҳарий. Ниброс ала шарҳи-л-ақоид. – Исломобод: Мактабату-р-рашидия, 2009. – 603 б.; Муҳаммад Ёсир. Таҳзибу-л-арвоҳи-н-насафия. – нашр жойи, матбааси ва нашр йили кўрсатилмаган. – 177 б.; Фидо Муҳаммад. Ашрафу-л-фавоид. – Деҳли: Маданий кутубхона, 2010. – 602 б.; Мужибуллоҳ. Баёну-л-фавоид. – Деҳли: Мактабату саййид Аҳмад, 2004. – Ж. II. – 545 б.; Ёр Муҳаммадхон. Жавохиру-л-фавоид. – Исломобод: Шайх Абулвоҳид Ҳодий, 2013. – 398 б.; Муҳаммад Юсуф. Жавохиру-л-фавоид. – Деҳли: Мисбах, 1989. – 704 б.; Абдуррауф. Кашфу-л-фароид. – Исломобод: Мактабату Умар Форук, 2010. – 333 б.; Абдунносир Латиф. Тавзих. – Исломобод: Жомиату равзия, 2009. – 184 б.; Убайдулҳақ. Нашру-л-фавоид. – Деҳли: Қадимий кутубхона, 1990. – 224 б.; Ғулом Ҳусайн Осим. Ал-Ақоиду-л-мотуридия. – Исломобод: Жомиъа кодирия, 2009. – 480 б.; Икромулҳақ. Тавзиху-л-ақоид. – Деҳли: Жомиъаи Имрон ибн Хаттоб, 2012. – 549 б.

Абдуллоҳ Ҳарарий, Шихобиддин Маржоний, Шамсиддин Афғоний “Ақоид” асарига араб тилида шарҳ ёзганлар<sup>4</sup>. Худойверди Одам “Ақоид” асарида келтирилган ақидавий масалаларни қиёсий таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратган<sup>5</sup>.

Муҳаммад Зоҳид Кавсарий, Муҳаммад Абу Заҳра, Муҳаммад Абдурахмон Хумаййис, Али Абдулфаттоҳ Мағрибий, Муҳаммад Абулязид Махдий<sup>6</sup> ханафий-мотуридийлик таълимоти тарихи ва ривожланиш босқичлари ҳақида умумий маълумотлар берганлар. Муҳаммад Абулязид Махдий “ал-Иттижоҳу-с-суфийя” (“الاتجاه الصوفية”) (Сўфийларнинг қарашлари) номли тадқиқотида Насафийнинг тасаввуфий қарашларини таҳлил қилган.

“Ақоид” асари устида тадқиқотлар Ғарбда XIX асрдан бошланган. Европа ва россиялик шарқшунослардан В.Куретон, В.Хеффинг, А.Венсинк, М.А.Кук, У.Монтгомери, Жозеф Есс, Й.Шахт, У.Рудольф, В.В.Бартольд, М.Х.Юсупов, А.Н.Юзеев, Ш.А.Дамир, А.А.Ализаделар ханафий-мотуридийлик таълимотини ўрганишга доир изланишлар олиб борганлар<sup>7</sup>. Америкалик исломшунос Эрл Эдгар Элдер (1882–1968 й.) Тафтазонийнинг “Шарҳу-л-Ақоиди-н-насафия” асарини таржима қилиш орқали Абу Ҳафс Насафийнинг илмий меросини ўрганган<sup>8</sup>. Виллиам Куретон “Pillar of the creed of the Sunnites” (Аҳли сунна ва-л-жамоа ақидасининг устуни) номли тадқиқотида Абу Ҳафс Насафийнинг илмий меросига қисман тўхталган ва

---

<sup>4</sup> Абдулмалик Саъдий. Шарҳу-н-насафия фи-л-ақидати-л-исломия. – Бағдод: Салсабил, 2009. – 266 б.; Абдуллоҳ Ҳарарий. Ал-Матолибу-л-вафия. – Байрут: Дору-л-машориъ, 1998. – 176 б.; Шамсиддин Афғоний. Ал-Жавоҳиру-л-бахия. – Деҳли: ал-Жомийату-л-хусайния. 2016. – Ж. III. – 1130 б.; Шихобиддин Маржоний. Ал-Ҳикмату-л-балиғати-л-жания фи шарҳи-л-Ақоиди-л-ханафия. – Қозон, 1937. – 168 б.

<sup>5</sup> Hudaverdi Adam. Necmu'd-din Omer en Nesefi ve Akidesi. – Istanbul: Değişim, 1998. – 148 s.

<sup>6</sup> Муҳаммад Зоҳид Кавсари. Ал-Алим ва-л-мутааълим ва ялийҳи рисалати Аби Ҳанифа ила Усман ал-Баттий сумма-л-Фикҳу-л-абсат. – Қоҳира: Матбуоти-л-анвар, 1949. – 60 б (Бундан кейин: Зоҳид Кавсари. Ал-Алим ва-л-мутааълим); Муҳаммад Абу Заҳра. Тариху-л-мазаҳиби-л-исламия фи-с-сиясати ва-л-ақоиди ва-т-тарихи-л-мазаҳиби-л-фикҳия. – Қоҳира: Дору-л-фикру-л-арабий, йили номаълум. – 688 б (Бундан кейин: Абу Заҳро. Тариху-л-мазаҳиб); Доктор Муҳаммад Абдурахман Хумаййис. Усулу-л-дин инда-л-имам Аби Ҳанифа. – Ар-Риёд: Дору-с-сумайъий, 1996. – 699 б.; Али Абдулфаттоҳ Мағрибий. Имом Аҳи сунна ва-л-жамоа Абу Мансур ал-Мотуридий ва ароуху-л-каломия. – Қоҳира: Мактабату ваҳба, 2009. – 455 б.; Муҳаммад Абулязид Махдий. Ал-Иттижоҳу-с-суфийя. – Қоҳира: ад-Жудия, 2007. – 253 б.

<sup>7</sup> Cureton W. Pillar of the creed of the Sunnites. – London: Printed for the society for the publication of oriental texts, 1843; W.Heffening An-Nasafi // Encyclopedic de l'isiam. Paris, 1993. – Т. VII. – 969 p.; Wensinck, Arent Jan. The Muslim Creed: Its Genesis and Historical Development. – Cambridge, U.K.: Cambridge University Press, 1932; Cook M.A. Early Muslim dogma: a source critic study. – Cambridge etc.: Cambridge Univ. press, 1981. – XI. – 242 p.; Cook M.A. The origins of kalam // Bulletin of the school of oriental and African studies, 1980. – Vol. 43, part 1. – P. 32-43; Montgomery Watt, W. The Formative Period of Islamic Thought. – Edinburgh: Edinburgh University Press, 1985. – 424 p.; Josef Ess. The Flowering of Muslim Theology. – Cambridge, Harvard University Press, 2006; Joseph Schacht. The Origins of Muhammadan Jurisprudence. – London: Oxford at the Clarendon press, 2011; Rudolph U. Al-Maturidi und die sunnitische Theologie in Samarkand. – Leiden, New York, Koln: Brill, 1997. – 396 p.; Бартольд В.В. Начало халифата и арабской культуры // Соч.:Т.VI – М.: Наука, 1966; М.Х.Юсупов Шигабутдин Марджани как историк. – Казань: ТКИ, 1981. – 232 с.; А.Н.Юзеев. Шихаб ад-дин Марджани: мыслитель, религиозный реформатор, просветитель. – Казань: Иман, 1997. – 60 с.; Ш.А.Дамир. Роль Шигабуди́на Марджани в развитии татарской богословской мысли XIX века // Автореф... кан. ист. Наук.. – Казань, 2010; Али-заде А.А. Божественная и земная власть в исламском мировоззрении (историко-философский аспект). – Баку: Адильоглы, 2004. – 450 с.

<sup>8</sup> Earl Elder. A commentary on the creed of Islam. – New York: Columbia University press, 1950. – 256 p. (Бундан кейин: Earl Elder. A commentary on the creed of Islam.).

“Ақоид” асарида келган ақидавий атамаларга инглиз тилида изоҳ бериб, китоб матнини келтирган.

Ўзбекистонда А.Мўминов, Д.Раҳимжонов, С.Оқилов, Р.Матибаева, Ш.Зиёдов, С.Муҳаммадаминов, И.Бекмирзаев, Ҳ.Сағдиевлар<sup>9</sup> илмий тадқиқотларида мовароуннахрлик ҳанафий фақиҳлар ва илоҳиётчилар ҳақида маълумотлар берганлар. Д.Раҳимжонов Самарқанддаги VIII–XII асрлар ҳадис илми тарихини, С.Муҳаммадаминов олимнинг “Матлаъу-нужум” асарини манбашунослик жиҳатидан тадқиқ қилган. Абдулазиз Мансур эса Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид” китобини ўзбек тилига таржима қилган<sup>10</sup>. Бироқ санаб ўтилган барча тадқиқотлар “Ақоид” асарининг моҳияти ва шарҳларини тўлақонли очиб бермаган, мазкур илмий муаммо ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Ҳозиргача Абу Ҳафс Насафий илмий меросининг мафкуравий курашлар жараёнидаги аҳамияти ҳамда “Ақоид” асарига араб, урду, турк тилларида ёзилган шарҳлари қиёсий-типологик таҳлилига бағишланган махсус тадқиқотлар мавжуд эмас.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Мовароуннахрда мотуридия ақидавий мактабининг пайдо бўлиш тарихи ва унинг ҳозирги кундаги экстремистик оқимларга қарши курашдаги мафкуравий аҳамияти” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид” асари ва унга ёзилган шарҳлардаги аҳли сунна ва-л-жамоа таълимотининг хусусиятларини ўрганишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мавзуга доир тарихий-диний тадқиқотларни қиёсий-типологик таҳлил қилиш орқали XI–XII асрларда Мовароуннахрдаги ақоид илмлари ривожига оид диний-мафкуравий муҳит хусусиятларини ёритиш;

Абу Ҳафс Насафийнинг ҳаёти, илмий мероси ва асарлари қўлёзма

---

<sup>9</sup> Мўминов А. Ҳанафий уламоларнинг Марказий Мовароуннахр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (II–VII/VIII–XIII асрлар): тар.фан. докт. дис. автореф. – Т.: ТИУ, 2003. – 46 б.; Раҳимжонов Д. VIII–XII асрларда Самарқандда ҳадис илми тараққиёти (Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Китобу ал-қанд фи маърифати уламаи Самарқанд” асари асосида): тар.фан. номз. .... дис. автореф. – Т.: ТИУ, 2003. – 14 б.; Оқилов С. Мовароуннахрда мотуридия таълимотининг шаклланиш тарихи. Монография. – Т.: Мовароуннахр, 2012. – 192 б.; Матибаева Р. Абул Муайяд ал-Маккий ал-Хоразмийнинг “Манокиб Аби Ҳанифа” асари ҳанафийлик бўйича нодир манба: тар.фан. номз. .... дис. автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2009. – 24 б.; Зиёдов Ш. Абу Мансур ал-Мотуридий ёзма мероси ва унинг “Китобут таъвилот” асари: тар. фан. номз. .... дис... автореф. – Т.: Ўз ФА ШИ, 1999. – 21 б.; Муҳаммадаминов С. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг “Матлаъ ан-Нужум ва мажмаъ ал-улум” асари ва унинг Марказий Осиё ислом илмлари ривожига тутган ўрни (XI аср охири – XII аср ўрталари): тар.фан. номз. .... дис. автореф. – Т.: Ўз ФА ШИ, 2012. – 193 б. (Бундан кейин: Муҳаммадаминов С. – Диссертация.); Бекмирзаев И. Бурхониддин Маҳмуд ал-Бухорий ва Мовароуннахр қозилиги. Монография. – Т.: Таълим нашриёти, 2011. – 203 б.; Сағдиев Ҳ. Абу Жаъфар Таҳовийнинг “Ақида” асари ва унинг шарҳлари – ҳанафийлик таълимотига оид манба: тар.фан. номз. .... дис. автореф. – Т.: ТИУ, 2017. – 56 б.

<sup>10</sup> Абдулазиз Мансур. Ақоид матнлари. – Т.: ТИУ, 2006. – 55 б. (Бундан кейин: Абдулазиз Мансур. Ақоид матнлари).

нусхалари, таржималари, замонавий шарҳларини аниқлаш ҳамда улардаги методологик ёндашув ва услубларни қиёсий тавсифлаш;

олимнинг тафсир (تفسير), ҳадис (حديث), фикҳ (فقه), ақида (عقيدة) соҳалари ривожига қўшган муносиб хизматларини далиллаш;

“Ақоид” асарининг жаҳон фондларидаги қўлёзмаларини аниқлаш ва уларни манбашунослик, исломшунослик нуқтаи назаридан кодикологик тавсифлаш;

“Ақоид” асарида келтирилган бирламчи далиллар асосида аҳли сунна ва-л-жамоанинг диний-мафкуравий хуружларга қарши далилларини асослаш.

**Тадқиқотнинг объектини** Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид” асари ва унинг шарҳлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид” асарида келган илмий-назарий қарашлар белгиланди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда илмий тавсифлаш, қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик, компонент таҳлил каби усуллардан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Абу Ҳафс Насафий “Ақоид” асарида имон (إيمان), усулу-д-дин (أصول الدين), тавҳид (توحيد), ҳижрат (هجرة), боғий (باغي), жиҳод (جهاد), бидъат (بدعة) ва такфир (تكفير) тушунчаларига аҳли сунна ва-л-жамоа таълимоти асосида янгиланган таърифларни бергани исботланган;

“Ақоид” асаридаги муътазилия, мушаббиха, мужассима каби йигирмадан ортиқ оқимларга раддия бериш методологияси ва тизими далилланган;

Абу Ҳафс Насафийнинг “ат-Тайсир фи-т-тафсир” ва “Тафсири Насафий” асарларини тадқиқ этиш асосида унинг муфассирлик хусусиятлари, Мовароуннаҳр тафсир мактабидаги ўрни асосланган;

Насафийнинг “Ақоид” асарига араб, урду, турк тилларида ёзилган замонавий шарҳлар асосида “Ҳизбу-т-таҳрир”, “Ақромий”, “Сохта салафий”, “ИШИД” каби экстремистик оқимларнинг сохта ақидалари очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

XI–XII асрларда Мовароуннаҳрда “Муқотил”, “Масжиду-л-манора”, “Сиккату-л-лаббодин”, “Табғочхон” мадрасалари фаолият юритгани ва Абу Ҳафс Насафий улар учун дарсликлар ёзиб бергани далилланган;

Насафийнинг “Ақоид” асари султон Санжар ибн Маликшоҳнинг топшириғига биноан аҳли сунна ва-л-жамоа таълимотининг адашган оқимларга нисбатан далилларини ёритиб бериш учун ёзилгани исботланган;

“Ақоид” асарига ўрта асрларда эллиқдан зиёд шарҳлар битилган ва бу жараён ҳозирда ҳам араб, урду, турк тилларида давом этаётган бўлиб, уларда кўтарилган масалалар турли ақидапараст оқимларга қарши ғоявий иммунитетни шакллантирувчи чоралардан бири сифатида тавсия этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда турли илмий-

назарий қарашларга эга тадқиқотчиларнинг хулосалари ўрганилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлғезмалар фондида 1462, 502/І, 11740/І, 8820/ІІ, 3044/ІІ, 371/ІІІ, Саудия подшоҳлиги университетида 7569- ва Туркиянинг Боязид кутубхонасида 2996-рақамлар остида сақланаётган қўлғезмалардан фойдаланилгани, тадқиқот натижалари амалиётга татбиқ этилгани билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Диссертациядаги илмий хулосалар ақида ва калом илмлари, ҳанафий-мотуридийлик таълимоти, жумладан, имон, унинг шартлари, такфир, ҳижрат, жиҳод каби масалаларга бағишланган илмий тадқиқотларда, глобал тармоқлар орқали ислом ниқоби кўринишида кириб келаётган фундаментализм, экстремизм ва терроризм каби мафкуравий таҳдидларга қарши курашишда ҳамда соғлом ақидавий иммунитетни шакллантиришда илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларидан олий ва ўрта махсус диний билим юртларининг исломшунослик факультетларида суннийлик таълимоти, ақида ва калом илми, диний экстремистик оқимларга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари, ислом фалсафаси, Мовароуннаҳр мутакаллимлари илмий мероси, мотивида таълимоти манбалари таҳлили, калом илми ва ақида мактаблари тарихи, калом илмининг замонавий муаммолари ва ақида матнлари шарҳларининг қиёсий таҳлили каби предметлар мазмунини янги назарий ишланмалар билан бойитиш, дарслик ва ўқув қўлланмаларни янгича ёндашувлар билан такомиллаштириш, соҳага оид факультатив дарслар, семинар машғулоти ва махсус курсларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Насафийнинг “Ақоид” асари ва унга араб, урду, турк тилларида ёзилган шарҳлардаги “Ҳизбу-т-таҳрир”, “Ақромий”, “Сохта салафий”, “ИШИД” каби экстремистик-террористик оқимлар сохта ақидасининг исёнкор ва вайрон этувчи характерга эга эканлигига доир далиллардан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йил 6 апрелдаги 2071-сон буюртмасига биноан “Буюк аждодларга муносиб бўлайлик” номли рисола ва “Имом Термизийдан қирқ ҳадис” номли ўқув қўлланма яратилди (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йил 10 августдаги 4482-сон маълумотномаси). Натижада Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид” асари ва унга ёзилган шарҳлар ақидапараст оқимларга нисбатан мотивида таълимотининг қарашларини аниқлаш имконини берди;

Абу Ҳафс Насафий “Ақоид” асарида имон (إيمان), усулу-д-дин (أصول الدين), тавҳид (توحيد), ҳижрат (هجرة), боғий (باغي), жиҳод (جهاد), бидъат (بدعة) ва такфир (تكفير) тушунчаларига аҳли сунна ва-л-жамоа таълимоти асосида

янгиланган таърифларга оид хулосалар асосида “Исломунослик асослари” ўқув қўлланма, “Дунё уламолари мурожаати” номли тўплам тайёрланди (Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2018 йил 6 августдаги 1653-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб ўрта асрларда Самарқанд, Бухоро мадрасаларида ақида ва калом фанларидан ўқитилган дарсликлар ҳамда уларнинг бугунги кундаги илмий-амалий аҳамияти кўрсатиб берилди;

“Ақоид” асаридаги муътазилия, мушаббиха, мужассима каби оқимларга раддия бериш методологияси, тизими ва соф исломий тушунчалар, мафкуравий таҳдидларнинг ислом дини ниқоби кўринишида намоён бўлиши, диний ва маънавий тарбияга глобал тармоқлар орқали кириб келаётган фундаменталистик, экстремистик оқимлар таъсири, талаба-ёшларнинг диний бағрикенглик маданиятини шакллантириш бўйича хулосалар “Зиё” студиясининг туркум кўрсатувлари, диний экстремизм ва мутаассибликка қарши чора-тадбирларга бағишланган “Огоҳ бўлинг!” видеоролиги орқали “Ўзбекистон” телеканалида эфирга узатилди (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2018 йил 8 августдаги 02-15/3391-сон маълумотномаси). Натижада ёшларда турли ёт ғояларга қарши илмий асосли мафкуравий иммунитетни шакллантириш омиллари кўрсатиб берилди.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 та, жумладан, “Диншунослик фанининг методологияси, ёндашуви ва услубиятини такомиллаштиришнинг долзарб масалалари” (Тошкент, 2015), “Матуридизм: история, современность и будущее” (Қозоғистон, 2015), “Озод ва обод юрт бунёдкори” (Тошкент, 2017), “Ёш шарқшуносларнинг академик Убайдулла Каримов номидаги XIV илмий-амалий конференцияси” (Тошкент, 2017), “Актуальные направления фундаментальных и прикладных исследований” (North Charleston, USA, 2018), “International symposium on maturidism” (Ankara, 2018) республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий нашр, бундан, ОАК тавсия этган илмий нашрларда 6 та, яъни республикамизда 4 та ва хорижий журналларда 2 та мақолалар чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, ҳажми 127 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишларига мослиги кўрсатилган.

Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тузилиши, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Абу Ҳафс Насафий меросининг ислом илмлари ривожда тутган ўрни (XI-XII асрлар)**” деб номланган.

Мовароуннаҳр XI-XII асрларда илмий жиҳатдан юксалиб ривожланди. Бундай вазиятнинг юзага келишига ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳолат ўз таъсирини ўтказган. Бу бобда қорахоний ва салжуқийлар томонидан олиб борилган сиёсат ҳамда масжид, мадраса ва минораларнинг қурилиши таҳлил қилинган. Шунингдек, Абу Ҳафс Насафийнинг Самарқанддаги фаолияти, ҳаёт йўли, илмий мероси, тафсир, ҳадис, ақида, фикҳ илмлари ривожига қўшган ҳиссаси ўрганилиб, илмий хулосалар чиқарилган.

“*XI-XII асрларда Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ва илмий муҳити*” деб номланган биринчи бандда Мовароуннаҳр XI асрдан бошлаб бир неча сиёсий кучлар томонидан бошқарилганлиги таҳлил қилинган. Шарқий Туркистон, Тошкент, Исфижоб, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Чағониён, Хутталон вилоятлари қорахонийлар (389-609/999-1212 йй.), Амударёнинг чап соҳилидаги ерлар то Ғазнагача, Хуросон, Сейистон вилоятлари ғазнавийлар (367-582/977-1186 йй.), Хоразм хоразмшоҳлар (477-629/1077-1231 йй.) томонидан бошқарилган.

Қорахонийлар Мовароуннаҳрда ўз мавқеларини мустаҳкамлаш мақсадида ўша даврнинг машҳур олимлари билан яхши муносабатда бўлганлар. Шунингдек, улар ҳанафий мазҳабини қўллаб-қувватлаганлар. Бу ўша даврда кўплаб фақиҳларнинг етишиб чиқишига замин яратган.

Қорахонийлар даврида маданий соҳада кўплаб ишлар амалга оширилган. Жумладан, Арслон Буғрохон (496-524/1102-1130 йй.) Бухорода Минораи калон, Жарқўтон (Сурхондарё)да, Вобкентда миноралар, масжидлар қурдирган. Қорахоний Иброҳим Наср (432-/4631040-1070 йй.) Самарқандда бунёд этилган мадрасалар учун узумзорлар, боғлар ва карвонсаройларни вақф қилгани манбаларда қайд қилинган<sup>11</sup>.

IX-XII асрлар оралиғида Шарқда туркий сулолалар, Ғарбда эса Фотимийлар (279-567/892-1172 йй.) сиёсий жиҳатдан етакчи мавқега эга бўлганлар. Аббосийлар ва туркий сулолалар Бағдодда исломнинг суннийлик йўналишини, Фотимийлар эса Миср, Шом ва Мағрибда шиалик йўналишини қўллаб-қувватлаганлар. Бунинг ортида муайян сиёсий етакчиларнинг диний, эътиқодий курашга интилишлари ётган. Натижада, XII асрда халифалик ҳудудларида фитна ва қўзғолонлар авж олади. Жумладан, 407/1017 йили Африкада шиаларнинг катта қисми ўлдирилади, 443/1051 йилда Бағдодда суннийлар билан рофизийлар ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтади. Бу курашлар 444-445/1052-1053 йилларда ҳам давом этган. 445/1053 йилда икки томоннинг тўқнашуви натижасида жуда кўп киши ҳалок бўлган. Шунингдек,

<sup>11</sup> Караев О. История караханидского каганата (X – начало XIII вв.). – Фрунзе: Илим, 1983. – С. 231-243.

447/1055 йили Бағдодда шофийлар билан ханбалийлар орасида “намозда “басмала”ни овоз чиқариб айтмаслик”, “азонда таржиъ” ва “бомдод намозида “Кунут” дуосини ўқиш мумкин эмас” каби масалалар юзасидан келишмовчилик чиққан<sup>12</sup>.

Хуросон минтақасида ҳам фикҳий, ақидавий ихтилофлар содир бўлиб турган. Жумладан, 408/1018 йили аббосийларнинг 26-халифаси Қодир Биллоҳ (ваф. 1075 й.) ғазнавийлар ҳукмдори Султон Маҳмуд ибн Сабуктегинга (967-997 йй.) минтақада суннийликни кенг ёйиш, муътазиллийларни тавба қилдириш ҳақида мактуб ёзади. Султон Маҳмуд аҳли суннадан бошқа барча оқим вакилларини ўлдиришга буйруқ беради<sup>13</sup>.

Ушбу бобнинг “*Мовароуннаҳр илмий ҳаётида Абу Ҳафс Насафийнинг тутган ўрни*” деб номланган иккинчи бандида Абу Ҳафс Насафийнинг ҳаёти, ижоди, оиласи, олимлар билан учрашувлари, устозлари, шогирдлари, саёҳатлари, фикҳий силсиласи ҳақида сўз юритилган.

Насафийнинг тўлиқ исми Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Али ибн Лукмон Ҳанафий бўлиб, у 461/1069 йил Насафда, ҳозирги Қарши шаҳрида туғилган.

Лакнавийнинг маълум қилишича, Насафийнинг устоз-шогирд силсиласи Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммадгача бориб туташган. Шу орқали Насафий ханафий мактаби ичида ўз ўрнига эга бўлган. Бу маълумот ҳозирги кунда кенг тарқалган “ижоза”<sup>14</sup> фикҳ илмида ҳам мавжудлигини тасдиқлайди. Лекин Мовароуннаҳрда ханафий фикҳи силсиласи тўхтаб қолиш тарихи ҳақида манбаларда маълумотлар учрамайди. Олимнинг Абу Ҳанифага етиб борадиган силсиласини қуйида кўриш мумкин:

1. Паздавий; 2. Абу Яъқуб Юсуф Ясорий; 3. Абу Исҳоқ Ҳоким Навқадий; 4. Ҳиндувоний; 5. Абу-л-Қосим; 6. Абу Бакр Аъмаш Муҳаммад ибн Саъид; 7. Абу Бакр Искоф; 8. Нусайр ибн Яҳё; 9. Муҳаммад ибн Саммоъа; 10. Муҳаммад ибн Салама; 11. Абу Сулаймон Жузжоний; 12. Имом Муҳаммад; 13. Имом Абу Юсуф; 14. Имоми Абу Ҳанифа.

Демак, Абу Ҳафс Насафийнинг Абу Ҳанифага етиб борадиган фикҳий силсиласи ўн бешинчи, Марғинонийники эса ўн олтинчи ўринда бўлган.

Насафий ўз даврининг таниқли олимлари билан биргаликда фаолият олиб борган. Насафийнинг мотуридийлик таълимоти етакчиси бўлиб шаклланишида кўплаб олимлар ўз хиссаларини кўшганлар. Улардан энг машҳурлари Абу-л-Юср Паздавий (421/1030-493/1100 йй.), Яҳё ибн Муҳаммад Нуҳий (442-503/1109-1050 йй.)лардир. Шунингдек, у мотуридийлик таълимотини ривожлантирган Абу-л-Муъин Насафий (ваф. 508/1114 й.)дан калом илми бўйича таълим олиб, унинг асарлари асосида ханафий-мотуридийлик таълимотининг матни, яъни тезисини тузиб, уни

<sup>12</sup> Ибн Асир. Ал-Комил. Ж. – IX. – Б. 220-230.

<sup>13</sup> Ибн Имод. Шазароту-з-заҳаб фи ахбари ман заҳаб // Муҳаммад Арнаут. 10 жилдли. – Байрут: Дору Ибн Касир, 1406/1986. – Ж. III. – Б. 186 (бундан кейин: Ибн Имод. Шазароту-з-заҳаб).

<sup>14</sup> Қуръон ва ҳадис тўпламларини шайхларда ўқиганини англаувчи рухсатнома.

“Ақоид” деб атайди. Алоуддин Самарқандийнинг (ваф. 538/1144 й.) “Шарху Китоби-т-таъвилот” (Таъвилот китобининг шарҳи) асари кўлёзма нусхасининг<sup>15</sup> дастлабки варағида Абу Мансур Мотуридийнинг “Таъвилот” асаридан ижоза олган олимларнинг исноди келтирилган. Унда шундай дейилган:

“Шамсиддин Муҳаммад ибн Абдуссаттор ибн Муҳаммад Кардарий Нажмиддин Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Насафийдан, у Абу Наср Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Абдулкарим Насафийдан, у отасидан, у бобосидан, у отаси Абдулкаримдан, у Абу Мансур Мотуридийдан эшитган”. Кейинчалик Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид” асари Самарқанд мадрасалари таълим дастурига киритилади. Мотуридий таълимоти XII аср бошларигача кўпроқ тор доирада ўқитилган бўлса, Насафийнинг “Ақоид” асари орқали Марказий ва Жанубий Осиё ҳудудларига ёйила бошлади.

“Олимнинг илмий мероси ва асарлари таснифи”. Манбаларда унинг тафсир, ҳадис, ақида, мунозара, шурут ва тарихга оид бир неча китоблар ёзгани қайд қилинган. Лекин бугунги кунгача олимнинг жуда кам асарлари етиб келган.

Насафийнинг тарожим китобларида қайд қилинган асарларини таҳлил қилиб, қуйидаги фан тармоқларига тақсимлаш мумкин:

Тафсир ва Қуръон илмларига оид китоблар. Абу Ҳафс Насафий тафсирга оид учта асар ёзган. Улардан биринчиси, “ал-Акмалу-л-атвал” (Ҳажми катта мукамал тафсир) тўрт жилдли, Қуръон тафсирига бағишланган китоб. Турк тадқиқотчиси Ҳудайверди Адам “Нажмиддин Умар Насафий ва унинг “Ақоид” асари” номли тадқиқотида “ал-Акмалу-л-атвал”ни мустақил тафсир эканини таъкидлаган. Иккинчиси, “Тафсири Насафий” (Насафий тафсири) Қуръон маъноларининг форс тилидаги таржимаси. Бу китоб эронлик тадқиқотчи Азизуллоҳ Жувайний томонидан таҳқиқ қилиниб, 1998 йил Техронда нашр қилинган<sup>16</sup>. Унинг Машҳад, Афғонистон ва Туркия кўлёзма фондларида сақланаётган учта нусхаси қиёсий ўрганилиб, нашр қилинган. Учинчиси, “ат-Тайсийр фи-т-тафсир” бўлиб, манбаларда “ат-Тайсир фи илми-т-тафсир” (Тафсир илмида енгиллик) деб ҳам номланган. Бу Насафийнинг Қуръон илмлари ва тафсирига бағишланган энг машҳур асаридир. Китоб “Қуръонни шифо қилиб нозил қилган Зотга ҳамд бўлсин” деб бошланиб, Қуръоннинг юзта исми санаб чиқилган. Ундан кейин саҳобийлар ва кейинги аср олимларининг “тафсир” (шарҳлаш), “таъвил” (ортга қайтиш) атамалари борасидаги қарашлари ўзаро таҳлил қилинган. Асар раъйга асосланган бўлиб, унда оятларнинг маънолари содда шарҳланган<sup>17</sup>.

Ҳадис ва ҳадис илмларига доир асарлар. “Китобу-л-қанд фи зикри уламаи Самарқанд”. Бу асар “Китобу-л-қанд мин уламаи Самарқанд”

<sup>15</sup> Алоуддин Самарқандий. Шарҳ китобу-т-таъвилот / ЎзР ФА ШИ кўлёзмаси, № 3249. – В. 5<sup>а</sup>.

<sup>16</sup> Умар Насафий. Тафсири Насафий. Ба тасхихи дуктур Азизуллоҳ Жувайний. Интишорот жунайд фарханги Эрон. 2-жилдли, 1356 (бундан кейин: Насафий. Тафсири Насафий).

<sup>17</sup> Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. – Ж. I. – Б. 519; Зириклий. Аълом. – Ж. V. – Б. 60.

(Самарқанд уламолари борасида қанддек китоб) ёки “ал-Қанд фи тарихи уламаи Самарқанд” (Самарқанд уламолари тарихи борасида қанд) ёки “ал-Қанд фи тарихи Самарқанд” (Самарқанд тарихи борасида қанду шакар маълумотлар) каби номлар билан аталган. Насафийнинг “Шарҳу-л-Жомиъи-с-саҳиҳ” (Саҳиҳ тўпламга шарҳ) асари Бухорийнинг (ваф. 256/870 й.) “Саҳиҳи Бухорий” китобига ёзилган шарҳ бўлиб, унинг тўлиқ номи “Китобун-нажаҳи фи шарҳи Китоби-л-ахбари-с-сихоҳ” (Саҳиҳ хабарлар китобини шарҳлашда муваффақиятли китоб) деб аталади.

Усулу-л-фикҳ ва фикҳ илмларига доир асарлар. Олимнинг фикҳга доир асарларини “усулу-л-фикҳ” (фикҳнинг қонун-қоидалари), “фуруъу-л-фикҳ” (фикҳнинг фаръий масалалари)га тақсимлаш мумкин. Улар қуйидагилар: “Ат-Таҳсил” (Ҳосил қилиш), “Шарҳу Усули-л-Кархий” (Кархий усулининг шарҳи), “ал-Манзумату-н-насафия фи-л-хилофиёт” (Ихтилофли масалалар борасидаги насафия манзумаси), “Тилбату-т-талаба” (Талабанинг хоҳиш-истаги). Булар орасида “Тилбату-т-талаба” илк фикҳий энциклопедия ҳисобланиб, унда фикҳий атама ва иборалар алифбо тартибида эмас, балки бобларга ажратилиб, ҳанафий фикҳий мазҳаби асосида изоҳлаган.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Абу Ҳафс Насафий “Ақоид” асарининг кодикологик хусусиятлари ва қиёсий таҳлили**” деб номланган. Бу бобда “Ақоид”нинг қўлёзма нусхалари таҳлили, “Фикҳу-л-акбар”дан фарқли ва ўхшаш жиҳатлари ҳамда мотуридийлик таълимоти ривожда тутган ўрни баён қилинган.

Мазкур бобнинг биринчи банди “*Ҳанафий-мотуридийлик таълимоти ривожда “Ақоид” асарининг аҳамияти*” деб номланган. Самарқанд мотуридийлик таълимотининг ривожланишига ҳисса қўшган Абу-л-Юср Паздавий ва Абу-л-Муъин Насафий Абу Ҳафс Насафийнинг устозлари сифатида манбаларда қайд қилинган. Насафий икки устозининг йўлини давом эттириб, ўзининг машҳур “Ақоид” асарини ёзди ва унда мотуридийлик таълимотини содда, тушунарли тарзда акс эттирди.

Насафий “Ақоид”нинг таркибий тузилишини мотуридийликка оид асарларда танланган услубда берган бўлса-да, улардан фарқли равишда, масалаларга чуқур тўхталмайди. У таълимотини қисқа жумлалар билан ёритади. Олимнинг мазкур рисоласи мотуридий йўналишида ақида ва калом мавзуларини қамраб олган илк матнлардан бири ҳисобланади.

Бу йўналишдаги асарларда ақидавий масалалар маълум бир мактаб нуқтаи назаридан ифодаланиб, унда исбот талаб қилмайдиган жумлалар, яъни “ишоншимиз керакки...”, “ишончимиз комилки...”, “... деб билиш лозим”, “... шундай дейилади”, “... мумкин эмас”, “... жоиз эмас”, “... бундай дейиш тақиқланади”, “... нақлий далилга таянади”, “... зиммасига вожиб эмас”, “билинг...”, “бу... ҳақдир”, “... масалалар нақлий далиллар билан собит бўлган” каби иборалардан кенг фойдаланилган.

1843 йилдан бошлаб Насафийнинг “Ақоид” асари Европа исломшуносларининг тадқиқот объектига айланган. Н.Ф.Катанов “Ақоид” асари ҳақида шундай деган: “Насафийнинг ақида илмига оид матни мусулмон эътиқодининг ишончли манбаларидан бири бўлиб, у бошқа асарлардан қисқа ва лўндалиги билан фарқ қилади”. Шарқшунос А.В.Венсик “Ақоид”нинг кенг миқёсда ёйилишига унда ислом асослари назарий жиҳатдан аниқ ифода этилгани асосий сабаб бўлган, деб таъкидлаган<sup>18</sup>.

XIX асрнинг биринчи ярмида В.Куретон Абу-л-Баракот Насафийнинг “Умдату ақидати аҳли-с-сунна ва-л-жамоа” (Аҳли сунна ва-л-жамоа ақидасининг асоси) асари билан Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид”ини “Аҳли сунна ва-л-жамоа ақидасининг устуни” деган мавзуда тадқиқ қилган<sup>19</sup>. Бу тадқиқоти иши ҳозирда немис, инглиз, француз ва рус тилларига таржима қилинган.

Бу бобнинг иккинчи банди “*Ақоид*” асари қўлёзмаларининг манбашунослик тавсифи” деб номланган. ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида сақланаётган нусхаларда “Ақоид” асарининг номи турлича келган. Жумладан: Р: 11740-I, 8820-II, 8796-III, 10689-VI рақамли қўлёзмада “عَقَائِدِ النَّسْفِيِّ (Ақоиду-н-Насафий) деб “алиф”дан кейин “ҳамза” ишлатилган; Р: 11663-XX, 11916-II, 10293-VI рақамли нусхаларда “عَقَائِدِ النَّسْفِيِّ (Ақоиду-н-Насафий) тарзида “алиф”дан кейин “ё” билан; Р: 8796-IX рақамли нусхада “عَقَائِدِ نَسْفِيَّةٍ (Ақоиду Насафия) шаклида “Насафий” сўзига “алиф лом” киритилмай ёзилган.

“Ақоид”нинг ЎзР ФА ШИ асосий фондида 72 та, Ҳамид Сулаймон фондида 29 та қўлёзма нусхаси сақланади. Лекин тадқиқотчи С.Мухаммадаминов асосий фондда “Ақоид”нинг 87 та қўлёзмаси борлигини маълум қилган<sup>20</sup>. Изланишлар шуни кўрсатадики, ҳақиқатда ЎзР ФА ШИ асосий фондида “Ақоид”нинг 87 та қўлёзмаси мавжуд. Лекин уларни ўрганиб чиқилганда 15 таси Тафтазонийнинг “Шарҳу-л-Ақоид” асари экани аниқланди.

“Ақоид” асарининг қўлёзма нусхалари билан замонавий нашрлар орасидаги фарқни аниқлаш мақсадида, ўрта аср қўлёзма нусхаси ва Ҳиндистоннинг “Идорату-с-сиддиқ” нашриёти томонидан чоп этилган нашри танлаб олинди. Ҳиндистон мадрасаларида Насафийнинг “Ақоид” ва Тафтазонийнинг “Шарҳу-л-Ақоид” китоблари дарслик сифатида ўқитилгани сабабли, уларнинг матнини қиёсий таҳлил қилинди.

ЎзР ФА ШИ фондида “Матлаъу-нужум” мажмуаси таркибида сақланаётган “Ақоид” (бирламчи) матни ва Саудия подшоҳлиги қўлёзмалар фондидаги нусха (иккиламчи) ҳамда Ҳиндистонда чоп этилган замонавий нашрни қиёсий таҳлил қилиш натижасида бир қатор фарқлар аниқланди.

<sup>18</sup> Wensinck F.J. Al-Nasafi // Encyclopaedia of Islam. Vol. VII. Leiden. – New York: E.J. Brill – 1993. – P. 969

<sup>19</sup> Cureton W. Pillar of the creed of the Sunnites. – London: Printed for the society for the publication of oriental texts, 1843. – P.53-59.; Heffening W. An-Nasafi // Encyclopedic de l'isiam. Paris, 1993. – T. VII. – 969 p.

<sup>20</sup> Мухаммадаминов С. Диссертация. – Б. 70.

Жумладан, бирламчи матн билан замонавий нашр орасида 53 та, иккиламчи кўлёзма билан замонавий нашр ўртасида 19 та фарқ юзага чиқди. Бу фарқли жиҳатлар “Ақоид”нинг асл матнини аниқлашни ва бу борада жиддий изланишлар олиб боришни тақозо қилади.

Мазкур бобнинг учинчи банди “*Фикҳу-л-акбар*” ва “*Ақоид*” асарларининг қиёсий таҳлили” деб номланади. Абу Ҳанифанинг “*Фикҳу-л-акбар*” асаридаги мавзуларни сарлавҳалар тарзида қуйидаги тартибда келтириш мумкин<sup>21</sup>: имон асослари, Аллоҳнинг бирлиги, Аллоҳнинг сифатлари: а) зотий; б) феълий; в) хабарий, Қуръоннинг махлук ёки махлук эмаслиги, қазо ва қадарнинг моҳияти, фитрат масаласи, халқ ва касб, пайғамбарларнинг исмати<sup>22</sup>, пайғамбарлардан кейинги фазилатли инсонлар, гуноҳи кабира, маҳсига масх тортиш, тарових намози, яхши ва ёмон кишининг орқасида намоз ўқиш, мўъжиза, каромат ва истидрож, Аллоҳни кўриш масаласи, имон: таърифи, кўпайиши, озайиши, “имон” ва “ислом”, пайғамбарларнинг шафоати, мезон, ҳавз, қиёмат кунида ғанимлар орасидаги қасос, жаннат ва жаҳаннам, Мункар-Накир, қабр ва қабр азоби, хабарий сифатларнинг бошқа тилдаги ифодаси, Аллоҳга яқин ва узоқ бўлишнинг ҳақиқати, Қуръон оятлари мисолида фазилатнинг фарқи, буюклик ва фазилат жиҳатидан Аллоҳнинг исмлари, Пайғамбар алайҳиссаломнинг фазилатлари, меърож ва қиёмат аломатлари. Абу Ҳанифанинг рисоласида келган ақида масалалари ўз даврида ўта баҳсли ҳисобланган.

Насафийнинг “Ақоид” матнини қуйидаги мавзулар ташкил этади: нарсаларнинг моҳияти, илмнинг таърифи ва унинг воситалари, илҳом ва ваҳий ўртасидаги фарқ, оламнинг ҳақиқати ва унсурлари, акциденция (мустақил жисмга эга), субстанция (бошқа жисмлар билан ўзини намоён қиладиган нарса), борлиқнинг яратувчиси Аллоҳ, деб эътиқод қилиш, “тасалсул”<sup>23</sup> қоидасининг хатолиги, оламнинг яратувчиси ягоналиги, Аллоҳнинг пайдо бўлмагани ва йўқ бўлмаслиги, “Лайса камислиҳи шайъун” (Унинг мисли йўқ) деб эътиқод қилиш, Аллоҳнинг калом, таквин, ирода каби зотий ва феълий сифатлари, Аллоҳни кўриш, бандаларнинг феъллари, иститоат (банда ўзининг хатти-ҳаракатларига қодир бўлиши), ҳукмлар банданинг тоқати доирасида жорий қилиниши, ажал, ризқ, фарзанд, ҳидоят, залолат масалалари, Аллоҳга ҳеч нарса вожиб эмаслиги, қабр азоби, қайта тирилиш, тарози, китоб, савол-жавоб, ҳавз, сирот, жаннат, дўзах, кабира ва сағира гуноҳлар, шафоат, имон, “имон” ва “ислом” сўзларининг фарқи, пайғамбарлик ва уларнинг сони, фаришталар, Аллоҳнинг китоблари, меърож, авлиёлар каромати, хулафои рошидинлар, имомат масаласи, маҳсига масх тортиш, бандадан мажбурият соқит бўлмаслиги, далиллар зоҳирларига қараб

<sup>21</sup> “Фикҳу-л-акбар” бир неча маротаба нашр қилинган. Тадқиқотда улардан 1323/1905 йилда Қохирада Мулла Али-л-Қори шарҳи билан нашр қилинган “Фикҳу-л-акбар” асос қилиб олинди (167-170 бетлар).

<sup>22</sup> Гуноҳ қилишдан илоҳий тўсилиш.

<sup>23</sup> Тасалсул – мантиқ фанига тегишли атама бўлиб, бир нарсани иккинчи нарсдан келиб чиқиши ва нарсаларнинг бир-бирига боғланиши.

тушунилиши, куфрга сабаб бўлувчи омиллар, маъдум (йўқлик) нарсами? ўтганларга қилинган садақа ва дуолар, қиёмат аломатлари, мужтаҳиднинг ижтиҳоди, инсон ва фаришталар орасидаги фазилатлар.

“Фикҳу-л-акбар” билан “Ақоид” матнларининг мазкур мавзулари қараб айтиш мумкинки, Насафийнинг “Ақоид” асари “Фикҳу-л-акбар”га нисбатан тартибли ва ақидавий масалалар билан бойитилган. Бу ҳам “Ақоид” мотуридийлик таълимотининг тезиси эканини тасдиқлайди. Шунингдек, калом китобларига киритилган имомат масаласи ва каломга оид масалалар қаторидан кейинчалик ўрин олган ашённинг ҳақиқати, илмни қўлга киритиш йўллари ва оламнинг моҳияти каби мавзуларнинг “Фикҳу-л-акбар”да учрамай “Ақоид”дан жой олгани ҳар икки муаллиф яшаган даврнинг ўзига хослиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг учинчи боби **“Ақоид” асари шарҳлари ва ихтилофли ақидавий масалаларнинг қиёсий таҳлили**” деб номланган. Мазкур бобда Насафийнинг “Ақоид” асари таржима ва шарҳларининг манбашунослик таҳлили ҳамда диний ақидапараст оқим ғояларига “Ақоид” асари шарҳлари асосида раддиялар берилган.

*“Ақоид”га ёзилган шарҳларнинг манбашунослик таҳлили*” деб номланган биринчи бандда Насафийнинг “Ақоид” асарига икки хил услубда шарҳ ёзилгани кўрсатиб ўтилган. Жумладан, насрда Абу-с-Санъо Махмуд ибн Аҳмад Исфаҳонийнинг (ваф. 749/1392 й.) “Шарҳу-л-Ақоиди-н-насафия” (Насафия ақоидининг шарҳи), Саъдуддин Тафтазоний “Шарҳу-л-Ақоиди-н-насафия”; назмда Аҳмад ибн Муҳаммад Солиҳнинг (ваф. 863/1459 й.) “Назм”, Саъдий ибн Ножиъбек (ваф. 922/1516 й.)нинг “Назм”, Мансур Табловийнинг (ваф. 1041/1632 й.) “Сиёнату-л-Ақоид” (Ақоидни сақлаш) номли шарҳ ёзганлар.

Саъдуддин Тафтазонийнинг “Шарҳу-л-Ақоиди-н-насафия” асари XVIII асрдан бошлаб Европада ҳам ўрганилган ва унинг баъзи қисмлари 1204/1790 йили Женевада француз ва немис тилларига таржима қилинган. Саъдуддин Тафтазоний “Ақоид”нинг баъзи матнларини шарҳлашда Қуръон, суннат, ижмодан кенг фойдаланган.

Абу Наср Курсавий (1190-1227/1776-1812 йй.) “Ақоид”га “Шарҳу-л-Ақоиди-н-насафия ал-жадид” ва “Шарҳу-л-Ақоиди-н-насафия ал-қадим” деб номланган икки шарҳ битган. Олим “Ақоид” матнини Қуръон, ҳадис асосида шарҳлагач, Абу Ҳанифа, Абу Юсуф, Имом Муҳаммад, Имом Мотуридийларнинг йўли шудир, деб таъкидлаши унинг ҳанафий мазҳаби ва мотуридийлик таълимотига қатъий амал қилганига ишора қилади.

Шихобуддин Маржонийнинг (1233-1306/1818-1889 йй.) “ал-Ҳикмату-л-балиғати-л-жания фи шарҳи-л-Ақоиди-л-ҳанафия” (Ҳанафий ақидасининг шарҳи борасида янги узилган етук ҳикмат) деб номланган шарҳи илк маротаба Татаристон маориф вазирлиги руҳсати билан 1889 йил март ойида “Вячеслав” босмахонасида 1500 нусхада чоп этилган. Унинг қўлёзмаси

Истанбулдаги Боязид кутубхонасида № 2996 рақам остида сақланади<sup>24</sup>.

Шамсиддин Афғоний Саввотийнинг (ваф. 1978 й.) “ал-Жавоҳиру-л-бахия ала шарҳи-л-Ақоиди-н-насафия” (Насафий “Ақоид”нинг шарҳи борасида фойдали жавҳарлар) деб номланган уч жилдли, жами 1120 бетдан иборат шарҳи Маҳмуд Шаббир ибн Муҳаммад томонидан 2016 йил Ҳиндистоннинг “Ҳусайния жомiasi” матбаасида нашр қилинган.

Муҳаммад Нуру-л-Арабийнинг (1810-1889 йй.) “Маҳзумайи афкор” номли шарҳи Шоҳкуллозода Умар Афанди томонидан чоп этилган. Нуру-л-Арабий муридларининг илтимосига кўра, Насафийнинг “Ақоид” асарини пешин намозидан кейин ўқиб, шарҳлаб берган. Асар 1993 йил Меҳмет Серҳан томонидан қайта нашрга тайёрланиб, “Nesefi Akaidi Şerhi” (Насафий “Ақоид”нинг шарҳи) номида нашр қилинган<sup>25</sup>. Мазкур асарлар ичида Маржонийнинг китоби нисбатан такомилроқ бўлиб, тўртта мазҳаб қарашларининг бир жойда қиёсий келтирилиши ўқувчиларга қулайлик туғдиради.

Бобнинг иккинчи банди “*Асар матни таржималари ва замонавий шарҳлари тавсифи*” деб номланади. Бунда “Ақоид”нинг таржималари, замонавий шарҳлари таҳлил қилинган. “Ақоид” асарининг ўрта асрларда амалга оширилган форс ва тожик тилидаги таржималари катологи диссертациянинг илова қисмида тўлиқ берилди. Улар орасида *P: 3044-II* рақамли таржима бошқа нусхалардан тилининг равонлиги, атамаларнинг содда тарзда ифода этилиши билан фарқланади.

Насафийнинг “Ақоид” асарини: эронлик Муҳаммад Умар Жўё форс; шайх Абдулазиз Мансур ўзбек; доғистонлик Мағди Мутаилов ва кавказлик Нагавиев Дамир Адгамовичлар рус; турк тадқиқотчиси Асуман Карамустафа, Саййид Аҳсан ва Туркия “Текâmul” мадрасаси ўқитувчиси Ҳусомиддин Янли ўғлилари турк; покистонлик Абунносир Латиф урду тилларига таржима қилганлар.

“Ақоид” асари таржималарининг кўплиги унга турли тилларда замонавий шарҳлар битилишига замин яратди. Эътиборли томони шундаки, унинг ўрта асрларга оид шарҳлари фақат араб тилида бўлса, ҳозирда араб, турк, ва урду тилларида ўнлаб шарҳларини учратиш мумкин.

Араб тилидаги шарҳлар. “Шарҳу-н-насафия фи-л-ақидати-л-исломия” (Ислом ақидасида “Насафия”нинг шарҳи) деб номланган шарҳ Абдулмалик ибн Абдурахмон Саъдийга (тав. 1356/1937 й.) тегишлидир. Китоб таркибий жиҳатдан бешта фасл, хотима ва саксон битта мавзудан иборат бўлиб, асарнинг умумий ҳажми 266 бетни ташкил қилади. “Жамъу-л-фароид би инорати шарҳи-л-Ақоид” (“Шарҳу-л-Ақоид”ни шарҳлашга доир сўзларни жамлаш) деб номланган таълиқот Ҳиндистондаги “Жомиъату-л-ашрафия”

<sup>24</sup> Шихобуддин Маржоний. Нозурату-л-ҳақ фий фарзияти-л-ишай ва ин лам яғиби-ш-шафақ. – Истанбул: Дору-л-ҳикма. 2012. – Б. 37.

<sup>25</sup> Muhammed Nurul-Arabi. Nesefi Akaidi Şerhi. – Б. 7-9.

мадрасаси ўқитувчиси Садру-л-варо ибну-л-Ҳожга (тав. 1392/1972 й.) тегишли. “Таҳзийбу-л-арвоҳи-н-нафсия” (Нафсий руҳларни тарбиялаш) деб номланган шарҳни Англиянинг Бредфорд шаҳри масжиди имоми Муҳаммад Ёсир ибн Азизурроҳман ёзган. “ал-Матолибу-л-вафия шарҳу-л-Ақидати-н-насафия” (Насафий “Ақоид”ини шарҳлашда тўлиқ истаклар) шарҳининг муаллифи Абдуллоҳ Ҳарарий (1328-1429/1910-2008 йй.) мазҳабда шофийий, ақидада ашъарий, тариқатда нақшбандий бўлган.

